

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ “ОИЛА” ИЛМИЙ–  
АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

Музайямхон Фармонова

**ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ  
МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА ФАРЗАНД  
ТАРБИЯСИ**

(Илмий-услубий кўлланма)

«TASVIR NASHRIYOT UYI»

Тошкент – 2020

УО'К 37.018.11

КВК 74.90

Ф 25

**Фармонова, Музаймхон**

Шарк мутафаккирларининг маънавий меросида фарзанд тарбияси. / Илмий-услубий кўлланма. – Тошкент: «Tasvir nashriyot uyi», 2020, 36 б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази директори, тиббиёт фанлари номзоди **Дилором Ташмухамедованинг** умумий таҳрири остида тайёрланди.

**Тақризчи:**

Муҳиба Ҳамидова – филология фанлари номзоди.

Мазкур илмий-услубий кўлланмада шарк мутафаккирларининг онла, унда фарзанд тарбияси, ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол ва ватанпарвар этиб камол топтириш ҳақидаги қарашлари ва фикр-мулоҳазалари баён этилган.

Кўлланма оналар, ёш ота-оналар, таълим муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари мутахассислари ва фаоллари, ушбу соҳада изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар ҳамда кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Илмий-услубий кенгашининг 2018 йил 14 сентябрдаги 4-сонли йиғилиш баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

УО'К 37.018.11

КВК 74.90

ISBN 978-9943-5797-9-8

© “Оила” ИАТМ

2020

## СЎЗБОШИ

Улуғ мутафаккирлар, олиму фузалолар, азиз-авлиёлар Ватани бўлмиш Ўзбекистонимизда кейинги вақтларда халқимизнинг эзгуликка йўғрилган анъаналари, урф-одатларини қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш, муқаддас кадамжолар ва обидаларни ободонлаштириш, ёш авлодни бой тарихимизга хурмат, ватанпарварлик ва одамийлик фазилатлари руҳида вояга етказишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бутунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз”, – деган фикри, шунингдек, Фитратнинг “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманда бўлиши, бахтли бўлиб иззат-хурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз отоналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ<sup>1</sup>”, – деган фикрларига давлатимиз раҳбарининг алоҳида урғу бериши зиммамизда халқ манфаатлари, фарзандлар келажаги, уларнинг тарбиясига оид масъулият нечоғли юқори эканидан далолатдир. Зеро, фарзандлар бизнинг келажагимиз, улар отона ва аждодларимиз ишининг давомчилари ҳисобланади.

Яна Президентимиз эътироф этганидек: “Ўз миллий тарихи ва маданиятига, дунёда энг қатта бойлик бўлган интеллектуал ва маънавий салоҳиятга чуқур хурмат билан ёндашиш, уни асраб-авайлаш ва бойитиш, шу асосда ёш авлодни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш жаҳондаги ҳар бир давлат

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. 2016. 8 декабрь. “Халқ сўзи” газетаси.

ва жамиятнинг моддий ва маънавий тараккиётида, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин эгаллайди”<sup>2</sup>. Ушбу қўлланмадан ота-оналар, маҳалла фаоллари, таълим муассасалари ва ёшлар фойдаланиши назарда тутилиб, мутафаккирларнинг миллий фазилатлар, кадриятлар, одоб-ахлоқ, тарбия ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, ўғитлари ва ҳикматлари таҳлиллар асосида ёритилди.

## **ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА МУТАФАККИРЛАРНИНГ ҚАРАШЛАРИ**

Фарзанд комиллиги, унинг тарбияси, соғломлиги, миллий кадриятларга, Ватанига бўлган муҳаббати каби масалалар кўтарилганда, мутафаккир Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё халокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур,” – деган маъноли фикрлари нақадар ҳақиқат эканлигини англаймиз. Тарбиянинг ўчоғи бўлган оила – ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақловчи, миллий кадриятларнинг ривожини таъминловчи, маънан ва жисмонан баркамол авлодни дунёга келтириб, тарбиялаб, ватанпарвар юрт химоячиларини вояга етказувчи муқаддас макондир. Инсон илк тарбияни оиладан, меҳр кўридан, онанинг сути ва ўзига хос алласидан олади. Унинг таъсири одам табиатига, қалбига мустаҳкам жойлашади. Фарзанднинг комиллиги, рухияти, меҳрибонлиги, одоби ҳар бир оилада белгиланган ички, ўзига хос қонун-қоидалари асосида шаклланиб боради. Президентимиз таъкидлаганидек, “Барчамизга аёнки, юртимиздаги ҳар қайси инсон ҳар қайси оиланинг энг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётий манфаатлари, авваламбор, унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлади, рўёбга чиқади”<sup>3</sup>. Бунда фарзандларнинг маънавий тарбияси масаласи ҳам муҳим ўрин тутди. Маънавият сўзини изоҳлаган олим Сафо Очил: “Маънавият” деганда, инсон хуқ-атворининг гўзаллиги, саховатлилиги, олижаноблиги, ваъдасига вафодорлиги,

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. 2017. 24 июнь. “Халқ сўзи” газетаси.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. 2016. 8 декабрь. “Халқ сўзи” газетаси.

хаёлилиги, билим олиши, донолиги, бағрикенглиги, одоблиги, озода ва покизалиги, калбининг беғуборлиги, хушмуомалалиги ва шу сингари ёкимли урф-одатлар тушунилади,<sup>4</sup> – деган фикрни илгари суради.

Абдукаххор Иброхимов ўзининг “Бизким, ўзбеклар” китобида: “Одам маърифат сўзини кўп тилга олавермай маърифатли, маънавият иборасини хадеб ишлатмай маънавиятли бўлиши мумкин. Чунки булар тилда эмас – маърифат – онгда, маънавият – қалбда макон топади”<sup>5</sup>, – дейди.

Олимнинг фикрига кўра, бугунги кун аёлларимизни жамият ривожига фаолликлари билан бирга, маърифатни онгларига, маънавиятни қалбларига жо қилиб оилада фарзанд учун меҳрибон она, турмуш ўртоғи учун севиқли ёр, қолаверса, оилада илиқ, мўътадил иқлим ва шароит ярата оладиган ижодкор ва ширинсўз бека эканликларини ёдда тутишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. “Тарбиянинг тури ва уни болаларга сингдириш усули хилма-хил, бири-биридан зарур. Бирок меҳр-шафқат, ҳалоллик, ростгўйлик тарбияси шу кунимизнинг энг долзарб мавзудир<sup>6</sup>.

**Мутафаккир Мавлоно Содик Қошғарий** (XV аср) “Одобия” асарида устоз бўлишнинг 400 дан ортиқ қоидаларини баён қилган<sup>7</sup>. Булардан энг муҳимларини таъкидлаб ўтамиз.

**1. Устозликка даъвогарнинг аввало бўзи тоза бўлсин.** Устоз ҳалол еб, ҳалол ичиши керак. Акс ҳолда унинг сўзлари ёлғон бўлади.

**2. Устоз покдомон бўлсин.** Устоз камтар ва мағрур бўлиши керакки, оддий одамлар унга мурожаат қила олиши ва нопоқлар уни бўйсундира олмаслиги керак.

<sup>4</sup> Сафо Очил. Мустақиллик ва тарбия масалалари. “Ўзбекистон”, 1995. 6-бет.

<sup>5</sup> Иброхимов А. Бизким, ўзбеклар. “Шарқ”, Т:2011. Б.86.

<sup>6</sup> А.Содиёв. Қатра ўғитлар.- Тошкент. “Ўқитувчи”, 1995, 24-бет.

<sup>7</sup> М.С.Қошғарий. Одоб сабоқлари. “Шарқ Юлдузи”, 1991. 1-сон. Форс тилидан Н.Комилов таржимаси.

**3. Устоз зинда дил бўлсин.** Тириккўнги одам рухиятшунос бўлиб, инсон шахсини яхши тушунади, хаётга оптимал қарайди, ўз касбини севади. Бу ўринда шахс психологиясини яхши тушуниш ҳақида сўз бормоқдаки, унинг замирида кўнги кўзи юмуқ одамнинг тарбиячи бўла олмаслигига ишора бор.

**4. Устоз назарқарда бўлсин.** Яъники, Устоз шогирдининг исик-совуғидан, юриш-туришидан ва фикру зикридан хабардор бўлиши лозим.

Устоз шогирдини турли усулларда тарбиялайди. Кимдир 20 йил, яна кимдир 7 йил тарбия олиши мумкин. Жумладан, машҳур Баҳоуддин Накшбанд устозлари қўлида бор-йўғи 7 йил тарбия кўрган, холос. Таъкидлаш жоиз, қадимда агар устоз шогирдининг истеъдодини тарбиялашга ўзини ожиз сезса, уни дархол ўзидан кучлироқ устоз хузурига юборган, токи шогирдининг йўлига тўғанок бўлмаслик учун<sup>8</sup>. Бундан кўринадики, фарзанд тарбиясида, энг аввало, устоз тарбиячиларимизнинг ўзлари тарбиянинг талабларига тўла жавоб берадиган, бахтли-саодатли, ўз онласи ва мавқеига эга, маънавий баркамол, хушхулқли, гўзал муомалали, бугунги замонавий талабларга жавоб бера оладиган, фарзандлар кўнглига йўл топа оладиган бўлишлари ҳам муҳим экан.

Фарзанд тарбияси, келажаги ва манфаатлари ҳақида сўз борганда “Бундан уч ярим минг йил илгари яшаб ўтган фиръавнлардан бирининг қабртоши устига *“Ёшларимиз ўзлар ва қайсар, кексаларнинг айтганини назар-писандга олмайди, аждодлар қадриятларини инкор этади”* – деган сўзларнинг битиб қўйилгани ёшлар тарбияси башарият тараққиётининг барча даврларида ҳозиргидек асосий муаммолардан бири бўлиб келганини тасдиқлайди.

**Амир Темур** (1336-1405) – ўзбек давлатчилигини энг юксак поғонага олиб чиққан буюк шахс. У ўз хаёт фаолияти да-

<sup>8</sup> Ш.Абдужалилова. Абдурауф Фитратнинг она ва бола тарбиясига онд қарашлари. Т., “Ёзувчи”, 2002. Б.16.

<sup>9</sup> П.Таранов. Энциклопедия високого ума. М., 1999. Б-16.

вомида доимо ўзининг “Куч – адолатда” деган шиорига амал қилган ҳолда иш юритган. Амир Темур фарзандлари, наби-ралари, яқинларининг тарбиясига алоҳида эътибор қаратган.

Набираларини тарбиялашда Амир Темурнинг рафикаси Сароймулкхоним бош-қош бўлган. Сароймулкхоним шахзода ва маликаларни ҳалол, меҳнатсевар, ақлли, доно, одоб-ахлоқли, мўмин ва мўминалар қилиб тарбиялаган. Амир Темур ва Сароймулкхонимнинг тарбиясини олган Мирзо Улугбек дунёга машҳур комусий олим бўлиб етишди ва ақлу заковати билан илм аҳлини лол қолдирди. Амир Темурнинг марказлашган давлатини, меҳнатқаш халқини кўролмайдиган давлат атрофидаги душманлар кўп бўлгани учун ҳам соҳибқирон харбий юришлар олиб боришга мажбур бўлган. Унинг ёзишчи, ўз юмушларининг ўндан тўққизини муроса-ю мадора асосида ҳал қилган. Танҳо ўндан бир хисса ишларда илож топмагач, куч ишлатишга мажбур бўлган. Энг муҳими, Амир Темур қонун устуворлигига қатга эътибор қаратган. Бунга Амир Темур тартиб берган “Темур тузуклари” ёрқин мисол бўла олади. Соҳибқирон даврида қонунлар барча учун баробар бўлган. Ҳатто унинг баъзи бир ўғиллари ва набиралари қонундан ташқари нолайиқ иш қилганларида улар қаттиқ жазоланганлар. Амир Темур қаттиққўл ва шу билан бирга адолатпарвар давлат арбоби бўлган. Амир Темурнинг “Темур тузуклари” номи китобида унинг адолатпарварлиги ва ҳар бир ишга масъулият билан ёндашганлигини кўриш мумкин. Ушбу тузуклардан барчамиз турмуш тарзимизда, фарзанд тарбиясида, оилада ички қонун-қоидалар ўрнатишда ва тарбияда маънавий мерос, миллий қадрият сифатида фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир.

Барқамол инсон, унинг тарбияси ҳақидаги юксак ғоялар баён қилинган зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг туб маъно - моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли сабоқлар борлигини кўриш мумкин.

Қадимий Туронзамин ва Эронзаминдаги ахлоқий тафаккур тараққиёти зардўшптийлик динининг вужудга келиши билан боғлиқ. Зардўшптийлик илоҳи Ахурамазда – эзгулик, Аҳриман эса ёвузлик тимсоли сифатида намоён бўлади. Зардўшптийлик динини маълум маънода ахлоқий эътиқод, унинг муқаддас китоби “Авесто”ни қадимги аждодларимиз амал қилган ахлоқий тушунчалар ва кўрсатмалар мажмуи, дейиш мумкин. Қадимги Юнон алломалари Сукрот, Афлотун, Арасту таълим-тарбия, ахлоқшунослик борасида бир қатор қарашларни илгари сурган. Арасту антик дунё фуқаросининг анъанавий фазилатлари бўлиши донишмандлик, мардлик, одиллик, дўстликни юксак қадрлайди. Конфуций таълимотида асосий ахлоқий қонун, асосий ахлоқий тушунча – “жэнь” (инсонийлик)дир. Масалан, “Лунь юй” (Ҳикматлар) китобида шундай дейилади: “Қимқи чин дилдан инсонни севишга интилса, у ёвузлик қилмайди.”<sup>10</sup>

**Абу Наср Форобий** Арасту издан бориб, фалсафани иккига: назарий ва амалий жиҳатларга ажратади ва ахлоқий тарбияни амалий фалсафа таркибига киритади. Ахлоқий муаммолар унинг “Баҳита эришув йўлини кўрсатувчи китоб “Фозил одамлар шаҳри”<sup>11</sup> каби асарларида ёритилган. Мутафаккирлар ўз асарларида инсонни ёшлагидан ақлий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялаб, сабот-матонатли, аждодлар анъанасига бўйсунадиган, ахлоқан пок, эзгу ниятли, баркамол бўлишига алоҳида эътибор берган.

**Юсуф Хос Ҳожиб**нинг “Қутадғу билиг” асарида кишидаги ижобий фазилатлар уни доимо камолот сари етаклаши, инсон доимо ўз тарбиясига эътиборли бўлиб юриши зарурлиги уқтирилади. Шунингдек, унда уят-андиша, ор - номус, ватанпарварлик, хушмуомалалик, ширинсўз, каттага хурмат, кичикка иззат, ўз-ўзини хурмат қилиш, очиқ юзлилик, ақлли ва доно, билимли, хулқи хуш каби – жами 17 та фазилатлар ёритилган. Жумладан, унинг:

*Бириси шошилмоқ, бири-кўзи оч,*

*Бири жаҳолатдир, яқинлашма, қоч.*

<sup>10</sup> Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Маърузалар матни. Т., 2000. Б.20.

<sup>11</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993. Б-159



*Тўртинчи – ёвузлик, бузуқ феъллилик,  
Ожиргиси – ёлеон, қўтол тиллилик.  
Булардан тубани ёмон феъл эрур,  
Ёмон феъл кишига аламлар берур.  
Очиқ юз, ширин сўз, майинлик керак,  
Феъл-атворда мослик, тайинлик керак,*

деган мисраларида халқни гийбатдан, ёлғондан, тубанликдан, қўполликдан йироқ бўлиб, ширинсўз ва чиройли, майин муомалада бўлишликка чорлайди. Зеро, бундай миллий фазилатларга ёндашган инсоннинг оиласи мустаҳкам, ўзи эса бахтли бўлади.

Сомонийлар даврининг улкан шоири, мутафаккири Абу Абдулло бинни Жаъфар Рўдакий комил инсон тўғрисида куйидаги мисраларни ёзиб қолдирган:

*Тўрт нарсани берди менга оқилларча ўйламоқ:  
Тансиҳатлик, яхши одат, яхши ном, яхши фикр.  
Танғри кимга қилган бўлса бу тўрт нарсани насиб,  
Мангу шодлик билан яшаб, ҳам емаса ҳам арзир.<sup>12</sup>*

Ушбу тўртликда шоир инсонларни ҳаёти давомида амалга ошираётган барча ишларида ёмон иллатлардан узок бўлиб яхши ҳаёт кечирингга, оқилона ва яхши фикр юритиш орқали эса ўздан яхши ном қолдириш мумкинлигини ва бу йўл инсонни барча дардлардан қориг бўлишига ёрдам беради, деган фикрларни илгари сурган. Биз инсонни теран, оқилона фикрлашга чорлар эканмиз, ғазал мулкининг султони, улуғ мутафаккир Алишпер Навоий ижодида инсон номи мағрур жанрлар экан, у “Одамлар ҳам борликка инсон манфаатлари нуқтаи назаридан қараши, инсонийликни яратишлари, унга хилоф бўлган ходисалар учрагудек бўлса, уни баргараф этиш учун курашмоқлари керак”, — дейди. Бу фикрда инсон, инсон манфаатлари, кадр-қиммати юкори экани, шу ўринда у тарбия жараёни бўладими, жамиятда тутган ўрни бўладими,

<sup>12</sup> Рўдакий. Т; 1967, Б. 67..

онилада тутган ўрни бўладими, фарзанди, аёли олдндаги тутган ўрни ёки бурчи бўладими, хар кандай вазиятда ҳам адолат билан оқилона ёндашиш ва учраши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш назарда тутилмоқда. Инсон, Алишер Навоий таъбири билан айтганда: “Барча махлуқотнинг тождидир. У шарафли, соф, гўзал яшамоғи керак”<sup>13</sup>. Алишер Навоий ўз асарларида инсоннинг маънавий кудратини, бойлигини, гўзалигини, инсонийлигини энг юксак чўккиларга кўтарилади. Инсонпарварлик билан самимий мухаббатни, вафони, саховатни тараннум этади.

Агар Шарқ адабиёти тарихига назар ташласак, исломий ғоялар негизндаги ахлоққа онд дастлабки асарлар панднома, хикматлар кўринишида яратилганининг гувоҳи бўламиз. Бу, албатта, исломий адабиёт оламида инсон тарбияси масаласи қадимдан катта ахамиятга эга бўлганини кўрсатади. Чунки панднома ва хикматларда кўтариладиган асосий ғоялар шахснинг маънавий ва жисмоний камолоти масалаларидир.

Буюк аждодларимиздан Имом Бухорий, Имом Мотурудий, Ҳаким ат-Термизий, Ахмад Яссавий, Бахоуддин Нақшбанд каби мутафаккирлар ўзларининг бекиёс маърифатлари билан умуминсоний маданиятнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшишган. Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий маърифатни илм, амал, одоб билан ўзаро боғлиқ хислатлар деб хисоблаганлар. Уларнинг фикрига кўра, кишининг одоби, хулки унинг маърифати, билимдонлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсон қанчалик маърифатли бўлса, унинг хулки шунчалик яхши ва мукамал бўлади.

Туркистонда маърифатчилик ғояларининг тарқалиши Гулханий, Ахмад Дониш, Огахий, Нодира, Увайсий, Анбар отин, Муқимий, Фурқат, Завкий каби ижодкорлар номи билан боғлиқ. XX аср бошидаги жадидчилик ҳаракатининг илғор вакиллари – Бехбудий, Авлоний, Тавалло, Сўфизода, Фитрат, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Чўпон сингари ёзувчи ва шоирлар халқнинг ижтимоий онгини маърифат асосида тарбиялаш учун фидойилик кўрсатдилар.

<sup>13</sup> Ойбек. “Навоий”. “Шарқ”. 1995.Б.39.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Ўзбекистондаги Ислоҳ Маданияти Марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида “Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифат оламини дунёни хайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир”, деб таъкидлагани барчамизни руҳлантириб, бу масалага янада масъулият билан ёндашишимиз зарурлигини кўрсатмоқда<sup>14</sup>.

## **ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ТАРБИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ**

Биз фарзанд тарбиясида мутафаккирларнинг қарашлари, олимларнинг фикрларини ўрганар эканмиз, беихтиёр миллатимизга хос бўлган ахлоқий, тарбиявий фазилатлар кўз ўнгимизда гавдаланади. Шунингдек, илк тарбия, самимий муносабат, гўзал муомала оиладан ота-оналаримизнинг намунаси тимсолида шаклланади. Абу Наср Форобийнинг: “Инсон ўз бахтига эришишда гўзалликни кўриши ва хис қилишининг ўзи етарли эмас, бунинг учун гўзалликни ярата олиши муҳимдир”, – деган фикрларида олам-олам маъно бор. Мутафаккирнинг бу фикрида бугунги ота-оналаримиз ўзлари намуна бўлган ҳолда оилаларида, ишларида, рўзгорларида, уй тутқишларида, ўзаро муносабатларида, юриш-туришларида, кийинишларида, саломатликларида, фарзанд тарбиясида, улар билан бўладиган муомалада гўзалликни ярата олишлари зарур, деган ғоя ўз аксини топган. Аждодларимиз ҳам ўзлари намуна бўлган ҳолда ўз фарзандларига панду насихатлар қилганлар. Жумладан, Абу Наср Форобий: “Ҳар инсон касб-корини мукамал биламоғи, яхши тарбия оломоғи, яхши

<sup>14</sup> Мирзиёев Ш.М. 2017. 24 июнь. “Халқ сўзи” газетаси.

хулқ-атворга, фазилатларга эга бўлмоғи керак”, — деган экан. Араб хикматларининг бирида: “Уч нарса киши ақлини пешлайди: бири олимлар ва кексалар билан суҳбат, иккинчиси ҳаётий тажриба, учинчиси чидам ва сабот билан интилиш. Инсон икки нарсанинг каддини фақат йўқотгандагина билади: бири ёшлик, бири соғлиқ”, — деб таъкидлангани бежиз эмас. Дарҳақиқат, инсон одамлар орасида яшар экан, ўзаро муомала ва муносабатда бўлади ҳамда ўша жамиятдаги инсонларнинг ахлоқи, тарбияси кўзгусида яшайди, унга кўникиб кетади. Жамиятда хушмуомала, тарбияли, ақлли, ташаббускор, фаол инсонларни ҳамма яхши кўради. Мутафаккирларимизнинг тарбия, илм, фанга оид қарашларини қуйида келтиришдан мақсад, улар фарзанд тарбиясида унумли фойдаланишда оз бўлса-да, ёрдам беради, деб умид қиламиз.

**Абу Наср Форобий** (873-950) илмнинг турли соҳаларига оид катта илмий мерос қолдирди. М.Хайруллаев ўзининг “Форобий ва унинг фалсафий асарлари” монографиясида Форобийнинг 119 та асари рўйхатини келтиради. Ўз даврининг зукко, илмли мутафаккири Форобий 70 дан ортиқ тилни мукамал билган ва кўпгина тиллардаги энг муҳим асарларни аслиятда мутолаа қилган.<sup>15</sup> Агар Аристотель Шарқда “Муаллими аввал” деган унвон олган бўлса, Форобий Аристотель асарларини тарғиб қилгани ва унинг қарашларини янада ривожлантиргани, Аристотель каби универсал илмга эга бўлгани учун “Муаллими соний”<sup>16</sup> (“Иккинчи муаллим”) деган ном олган. Форобий ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган “Фозил шаҳар аҳолиларининг фикрлари”, “Бахт-саодатга эришув ҳақида рисола”, “Бахт-саодатга эришув йўллари” каби асарларни ёзган. Форобий фазилатли шаҳарда илм, фалсафа, ахлоқ, маърифатнинг аҳамияти биринчи ўринда бўлмоғи керак, шундагина жамият тукликка эришади, дея таъкидлайди. Унинг фикрича, инсоннинг ва жамиятнинг галабага эришуви,

<sup>15</sup> Иброҳимов А. Бизқим, ўзбеклар. “Шарқ”, Т:2011. Б.142.

<sup>16</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. “Абдулла Қодирий” нашриёти, Т:1993.Б.10.

яхшиликни қўлга киритиш, ахлоқий ва ақлий мукамалликка эришуви инсон ва жамоанинг ўз қўлидадир,<sup>17</sup> шунингдек, билим-маърифат, албатта, яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим, — деган сўзлари замирида онлада, таълим муассасаларида фарзандларга нафақат билим, балки тарбия ҳам зарурлиги илгари сурилган. Зеро, доно халқимиз “Бола – одоби билан гўзал”, деб бежиз айтмаган.

**Абу Ҳомид Ғаззолий** ўзининг “Ихёу улумид-дин” китобида тўртта катта мавзуни жамлаган:

а) ибодатлар ҳақидаги қисм, б) урф-одатлар ҳақидаги қисм, в) халок қилувчи ва г) нажот берувчи нарсалар ҳақидаги қисмлар. Ҳар бир қисм ўнтадан, жами қиркка китобни ўз ичига олган. Таъкидлаш жоиз, Абу Ҳомид Ғаззолий бирор мавзуни ёритар экан, исломий одоб ва анъанага кўра, дастлаб унга тегишли оятларни келтиради, сўнгра Пайғамбаримизнинг ҳадисларига мурожаат этади, кейин эса саҳобалар ва бошқа улуғларнинг сўзларидан, сийратларидан далиллар келтиради, шундан сўнг фикр-мулоҳазаларини баён этади, лозим ўринларда сўзларини ҳужжат билан қувватлайди.<sup>18</sup> Биз Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Ихёу улумид-дин” асарининг “Муҳлиқот” (халокатга олиб боровчи офатлар) қисмини, яъни “Тил офатлари”ни танладик. Ушбу китобда муомала одоби, юксак ахлоқий интизом масалалари оят, ҳадис асосида саҳобаларнинг сўзлари, ибратомуз ривоятлар орқали ёритилган. Биз қисқа бўлса-да, тил, тил офатлари ҳақида сўз юритар эканмиз, тилнинг фаолият ва таъсир доирасига чек йўқ: яхшилик сари юрса, олдида кенг майдон, уфқлар қадар чўзилган, ёмонлик йўлига кирса, илон-чаёнлар қаби судралиб, тубсиз тубанликка кетиши мумкин экани беихтиёр, ҳар биримизни аввал ўйлаб, кейин сўйлашга чорлайди.

Абу Бақр ибн Ийош ҳикоя қилади: “Тўртта шох – Ҳинд, Чин, Эрон ва Рум подшоҳлари бир жойга жамланди. Бирин

<sup>17</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри.

<sup>18</sup> Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. “Ихёу улумид-дин”, Т: “Мовароуннвхр”, 2003. Б.5.

деди: “Айтмаганларимга эмас, айтган сўзларимга пушаймонман”. Яна бири айтди: “Қачонки битта сўз гапирган бўлсам, у сўз менинг хўжайинимга айланди, мен унга тобе. Гапирмаган сўзимга эса мен хўжайин бўлдим, у менга тобе”. Учинчиси деди: “Гапирган гапи ўзига қайтарилса, зарар берадиган, агар қайтарилмаса, фойда бермайдиган гапирувчига ажабланаман?!” Тўртинчиси деди: “Айтганларимдан кўра, айтмаганларимни рад қилиш менга осонроқ”.

Абу Зар дейди: “Расулulloх саллоллоху алайхи васаллам менга шундай дедилар:

— Баданингга енгил, мезонда оғир амални сенга ўргатайми?

— Ҳа, албатта, эй Оллохнинг расули, — дедим.

— Бу амал – жим юриш, гўзал хулқ ва беҳуда гаплардан тийилишдир, — дедилар.

Ибн Масъуд айтди: “Сизларни ортиқча гапдан огоҳлантираман! Кишига эхтиёж даражасидаги гап кифоядир”.

Мужоҳид деди: “Албатта, сўзлар ёзиб борилади. Ҳатто киши ўглини тинчитилиш учун: “Сенга фалон-фалон нарсалар сотиб оламан,” – деса, уни “каззоб” деб ёзиб қўйилади.

Мутафаккир Абу Ҳомид Ғаззолий қарашларидаги гўзал хулқ, муомала, сўзлашда ақл ва заковат билан ўйлаб гапириш, ёлгон гапиришдан йироқ бўлиш илгари сурилган. Мутафаккирнинг бу фикрларини ёшлар онгига сингдириш ва тарбиялаш орқали оилалардаги ўзаро муносабатларни яхшилаш, турли келишмовчиликлар, низоларни олдини олиш мумкин. Чунки яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқиши ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, келинлар, оилада фарзандларга, яқинларга мулоим, ширинсўз, чиройли муомалада бўлиб, имкон қадар намуна бўлишга ҳаракат қилайлик.

**Алишер Навоий – шоир, мутафаккир, олим, давлат арбоби** (1441-1501). У нафақат буюк шоир, ўзбек адабиётининг асосчиси, илк бора “Ҳамса” асарини туркий тилда яратган буюк мутафаккир ҳам эди. Унинг бир қанча насрий асарлари ўзбек тилига бағишланган. Ўзининг “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокаматул-луғатайн”, “Мезон ул-авзон” каби асарларида

Ўзбек тилининг имкониятларини кўрсатиб берган. “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида ўзбек тилини форс-тожик тили билан қиёслаб унинг бойликларини, ўзбек тилининг имкониятлари нихоятда чексиз эканлигини исботлаб берган. Холбуки, Навоийгача ўтган бир қанча шоирлар бу тилда асарлар яратиб бўлмайдди, унинг имкониятлари чекланган, деган қарашларни илгари суришган. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг таъбирича: “Алишер Навоий назарий ғояларни илгари сурибгина қолмай, балки бу тилда жуда кўп ва хўп асарлар яратган. Алишер Навоий асарларида шунчалик кўп сўзлар ишлатилганки, тўла бўлмаган ҳисоб-китобларга кўра, у ўз ижодида 26 мингдан ортиқ сўз ишлатганлиги аниқланган. Мутафаккир ўз асарларида бир қатор тўртликларни аёллар, ота-она ва фарзанд муносабатлари таърифига бағишлади. Навоий ижодида аёллар, айниқса, оналарга бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиром доимо сезилиб туради. Жумладан, “Иффатли, ширинсўз, хушмуомала, ақли ва гўзал хулқ аёллар хамиша кут-барақа, ширин ҳаёт манбаидирлар. Сен ўзингга ёр, маҳбубу тиласанг, унинг тўғрисиўзлиги, ҳақгўйлиги, юриш-туришига боқ”<sup>19</sup> – дейди. Албатта, шоир аёлларни бебаҳо сўзлар билан кўкларга кўтарар экан, эркакларни аёл танлашда нималарга аҳамият бериш кераклигини таъкидлаб ўтади.

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг “Навоий” романида инсонийлик, яхшилик, адолат, миллатлараро ва динлараро тоғувлик каби эзгу ғояларнинг илгари сурилишини кўришимиз мумкин. Инсон қалбининг қувонч-қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Биз бу бебаҳо меросдан ҳалқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз. Алишер Навоийнинг “Насойим-ул муҳаббат” асарида қомил инсонга хос хусусият-

<sup>19</sup> Алишер Навоий. Ибратли ҳикоятлар ва ҳислатли ҳикматлар. Т: “Sano-standart”? 2016/ Б.82.

лар ва унинг шарқона фазилатлари санаб ўтилади. Булар каторига улуг мутафаккир: тавба, ҳалол лукма билан каноатланиш, ўз касбидан тошиб кун ўтказиш, шариатга риоя этиш, барчадан ўзини кам деб билиш, хатто фарзандлари, хизматкорларига кўполлик қилмаслик, чучук тилли бўлиш, яхши, мулоийм бўлиш, раҳмдил бўлиш, саҳий бўлиш, мард бўлиш, ҳалимлик, хушхулк бўлиш, ризо-розилик билан кун ўтказиш, сабрли бўлиш, садоқатли, вафоли бўлиш, риёзат чекишдан кўркмаслик қабиларни киритади. Алишер Навоийнинг қуйидаги:

*Бефойда сўзни кўп айтма,  
Чин айт олур тилни ёлеонга булеама;  
Айтур сўзни айт,  
Айтмас сўздан қайт;*

“Тўлқони бор ҳар бир яхшилик – сўз орқалидир” каби байтлари унинг қарашларига мисол бўла олади. Мутафаккирнинг “Ҳайрат ул-аброр” дostonларида ота-онага ҳурмат, иймон, адолат, саҳийлик, тўғрилиқ, омонатга хиёнат қилмаслик, сабр-каноат, вафо, шуқур, айниқса, ростўйликка даъват етакчилик қилади. Мана шундай фазилатларга эга бўлган одамнинг оила ва атрофдагилар олдига обрўйи ва ҳурмати ошиши таъкидланади. Аксинча, ота-онасини ранжитадиган, ваъдасида турмайдиган, бировнинг омонатига хиёнат қиладиган, дўста вафосиз, ёлғон сўзлайдиганларнинг уятга қолиши ёки бирор фалокатга учраши айтилади. Алишер Навоий: “Яхшилик билан ном қолдирмоқнинг ўзи улуг муқофотдир”<sup>20</sup>, дейди. Тарбияда “яхшилик” ахлоқий тамойилларнинг энг асосийси ҳисобланади. Албатта, яхшилик бор жойда унга қарши ёмонлик ҳам бор. Инсон ўз ҳаёти давомида қимгадир яхшилик ва ёмонлик қилса, қимдандир яхшилик ва ёмонлик кўради. Бу ҳаёт қонуни бўлиб инсон ҳаётининг асосини “яхшилик” тапқил этади. Шу ўринда, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг “ҳар қандай келишмовчилик ва низоларни ақл билан, умумманфаатни ҳисобга олган ҳолда ҳал

<sup>20</sup> Ойбек. “Навоий”. Т: “Шарқ”, 1995. Б.36.



қилиш зарур,<sup>21</sup> деган фикрини эслаш айни муддао.

Алишер Навоий ўз рубоийларида инсонларни шукур қилишга чақириб, оғир кундаги шукур умид уйғотади, бошга тушган балоларни даф қилади, деб таъкидлайди. Шу ўринда хар биримиз бекиёс Ўзбекистоннинг фуқароси эканимизга, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффолигига, соғ-омон ўз оиламиз бағрида яшаётганимизга шукур қилишимиз лозим.

**Мутафаккир, маърифатпарвар Абдулла Авлоний** (1878-1934) таълим-тарбия тараққиётига катта хисса қўшган устоз, ўз асарларида халқимизнинг энг яхши анъаналарини акс эттирган ижодкор, ношир ва жамоат арбобидир. Абдулла Авлоний “усули жадид”, яъни илғор усулдаги мактаблар учун “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар”, “Биринчи муаллим”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, “Иккинчи муаллим”, “Мактаб гулистони” каби дарслик ва ўқиш китобларини яратди.

Қуръони карим сураларидан, хадиси шарифлардан, ўзбек халқининг бой педагогик мероси – эртақ, мақол, топишмоқ ва дидактик хикоялардан фойдаланилган бу китоблар халқ орасида маълум ва машҳур бўлган. Абдулла Авлоний ўз асарларида дунё халқлари маданиятини, илм-фанни, мактаб ва маорифни улуғлаб, халқни илмли, маданиятга бўлишга ундади. Мутафаккирнинг фикрича, ахлоқ бу – хулқлар мажмуи. Хулқ эса эзгулик ёхуд разилликнинг муайян бир инсонда намоён бўлиш шаклидир. Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида бола тарбиясини тўрт йўналишда: “Тарбиянинг замони”, “Бадан тарбияси”, “Фикр тарбияси”, “Ахлоқ тарбияси” каби бўлимларга ажратган ҳолда тадқиқ этади. «Тарбиянинг замони» бўлимида тарбияни бола туғилган кунданок бошлаш кераклигини таъкидлайди. “Тарбияни кимлар қилур?”, “Қайдай қилинур?” деган саволларни ўртага ташлайди ва уларга жавоб қидиради. “Биринчи – уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи – мактаб ва мадраса тар-

<sup>21</sup> Салимов Б. А. Навоий ижодида инсонийлик ғояларининг акс эттирилиши ва унинг ахамияти. // А. Навоий ва XXI аср. Республика илмий-назарий анжуман материаллари. 2016й. Б. 139.

бияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур”, дея тарбияга ҳамма — ота-она, муаллим, ҳукумат ва бошқаларнинг масъул эканини таъкидлайди. Мамлакат таракқиёти, давлатнинг қудратли бўлиши ёш авлод тарбиясига ҳар жихатдан боғлиқ деб ҳисоблаган аллома тарбия хусусий эмас, миллий, ижтимоий ишдир деган тўхтамга келади.

Тарбияни кенг маънода тушунган Авлоний уни биргина ахлоқ тарбияси билан чегаралаб қўймайди. У, аввало, боланинг соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш лозимлигига эътибор қаратади. Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ, илм-маърифатга эга бўлиш учун, аввало, тан саломатлиги зарур. Авлоний фикрича, «баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўкумок, ўкутмок, ўрганмок ва ўргатмок учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур».

Абдулла Авлоний боланинг бадантарбияси, саломатлиги масаласида ота-оналарга мурожаат қилса, унинг фикр тарбияси борасида асосий масъулият муаллимлар зиммасида эканига ургу беради. Болаларда фикрлаш қобилиятини ўстириш, дунёқарашини шакллантириш муаллимларнинг «диққатларига суянган, виждонларига юкланган муқаддас вазифадур... Негаки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги, муаллимнинг тарбиясига боғлиқдур», — дейди аллома. Шу билан бирга, мутафаккир Абдулла Авлоний: “Таълим ва тарбия узвий боғлиқ жараёнлардур, дарс ила тарбия орасида бироз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур”, — дея таъкидлайди. Авлоний инсонга яхшилик ва эзгулик фақат илм эгаллаш орқали сингади, деган қатъий фикрни билдиради. Илмли, эзгу гоя руҳида тарбияланган кишидагина Ватан туйғуси шаклланади, она юрти ва она тилига мухаббат уйғонади, садокати қарор топади. Бу фазилятларсиз комил инсонни тасаввур этиб бўлмайди, деган фикрларни илгари суради.

Юрт равнаки, аввало, унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига боғлиқдир. Шу бонс Абдулла Авлоний ёшларни илм, фойдали хунар эгаллашга, китоб

мутолаасига ундайди. Шунингдек, Авлоний илмсизни жаҳолат билан тенглаштириб, шундай фикрларни билдиради: “Жаҳолат деб ўқимаган, билимсиз, ҳеч нарсага тушунмайдурган нодонликни айтилув”, – дейди. “Илм саҳрода – дўст, ҳаёт йўлларида – таянч. Ёлғизлик дамларида – йўлдош, бахтиёр дақиқаларда – раҳбар, кайгули онларда – мадакдор, одамлар орасида – зебу зийнат, душманларга қарши курашда – қуролдир”<sup>22</sup>. Мутафаккир: “Гўзаллик юзда эрмас, эй биродар, сўзи ширин киши ҳар кимга ёқар”, “Сўзинг оз бўлсину, маъноли бўлсун, эшитганлар қулоғи дурга тўлсун,” — деб инсонларни хушсўхан бўлишга чорлайдики, токи сўзларимиз фарзандларимиз учун намуна бўлсин.

**Абу Райхон Беруний** (973-1048). Мутафаккирнинг 154 та асари номлари маълум. Улардан “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Маъсуд конуни”, “Астрономия ва юлдузлар тўғрисида”, “Минерология” ва бошқа асарлари бизгача етиб келган. Мутафаккир ўз асарларида фалсафий-ахлоқий қарашлар билан бир қаторда халқлар ўртасида дўстлик ва илмий ҳамкорликни юксак кадрлайди. Берунийнинг фикрича, кишилар учун дунёда турли ҳолатлар бор. Бу махмуд (мақталувчи), яхшилик ва ёмонликдир. “Мақтанарли (яхши) ҳолларнинг (маркази) мурувват (мардлик-эрлик) бўлиб, мурувватнинг таянчи поклик ва тозалиқдир”, – дейди.

Берунийнинг фикрича, киши ахлоқий мукаммалликка эриша олиши учун ўз хулқи ва одатларидаги нуқсонларни тозалаб, ўзини тарбиялаб, ахлоқан даволаши зарур, дейди. Беруний халқлар ўртасида дўстликни ва илмий ҳамкорликни юксак кадрлайди. Беруний ўзининг “Ҳиндистон” асарида оила ва никоҳ муносабатларини ёритади. Мутафаккир оила ва никоҳ муносабатларининг нозик томонларини ахлоқий ва ҳуқуқий нуқтан назардан тадқиқ қилар экан, оиланинг мустаҳкам ва тинч-тотув бўлиши, эр-хотиннинг ахиллиги, ширинсўзлиги, бир-бирига бўлган меҳр-оқибатига боғлиқ, деган фикрни илгари суради. Беруний ёшларга қарата шундай дей-

<sup>22</sup> И.Сувонкулов. Маънавият илмлари. Қўлланма. – Самарқанд. 2000. 72-бет.

ди: “Эй, қизим, сен ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга тушмоқдасан. Сен бўлажак куёвингнинг ҳамма хислатларини билмайсан. Сен ер бўл, у осмон бўлади. Сен у билан шундай йўл тутки, унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олийжаноб бўлади. Осмон шифоли ёмғири билан ерни кўкартиргани каби у ҳам ўз меҳр-шафқати билан сени хушнуд этади... Эринг сендан ширин ва юмшоқ сўзлар эшитсин. Ярамайдиган ёки эски либосда ёки сочларинг тартибга солилмаган ҳолда унинг олдида ўтирма.

Қизим, куёвингдан кучи етмаган ва олиб беришга қудрати бўлмаган нарсаларни талаб қилма. Бундай қилсанг, орадаги тотувлик йўқолади, турли хил жанжаллар пайдо бўлади.

Қизим, рашк қилишдан сақлангин, чунки у ажралиб кетишнинг калитидир. Эринга ҳадеб гина қилишни ман қилман. Чунки бу эзмалик нафратни уйғотади. Яхшиси, у билан хушмуомала, ширинсўзли бўлгин, бу ишнинг ҳар қандай сеҳр-жолудан яхшидир.

Сувдан тез-тез фойдалангин. Ўзинга хушбўй нарсалар билан оро бер. Покизалик хамиша йўлдошинг бўлсин.”<sup>23</sup>

Беруний қарашларидаги тарбия, оила, ҳамкорлик, ўзаро муносабатларда хушмуомалалик бугунги кунда айнан фарзанд тарбиясида, уларни ҳаётга тайёрлашда катта аҳамият касб этади.

**Абу Али ибн Сино** (980-1037) ўзининг “Донишнома” аса-рида – ҳикмат илмини икки турга бўлади: “Биринчиси, ўзимизни ўз қилмишларимиздан хабардор қилади ва “Амалий илм” деб аталади... У бизларнинг бу дунёдаги ишларимизни амалга оширишимиз учун нима қилишимиз кераклигини ўргатади. “Амалий илм” ўз ўрнида уч турга бўлинади: биринчиси – мамлакатни идора қилиш, иккинчиси – уйни идора қилиш ва учинчиси ўз-ўзини идора қилиш. Ахлоқ ҳар бир киши учун “ўз-ўзини идора қилиш” илмидир<sup>24</sup>, – дейди.”

Унинг фикрича, яхшилик доноликда, донолик эса холи-

<sup>23</sup> Бобоев Х., Ҳасанов С. Берунийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. Ҳаёт ва қонун журнали. №3. 1996.

<sup>24</sup> Абу Али ибн Сино. Шейрлар. Нашрга тайёрловчи А.Ирисов. 1965, Б.18.

саларни билиш орқали қўлга киритилади, билим инсон ҳаётининг ажралмас қисмидир. Мутафаккирнинг ахлоқ ижтимоий муносабатларнинг илми бўлиши кераклиги ҳақидаги фикри бугунги кунда ҳам муҳимдир. Мутафаккир “Тадбири манзил” асарида оилавий муносабатларни, ахлоқий тарбияда оиланинг ўрнини ўзига хос тарзда баён этади. Ибн Сино оила бошлиғи олдига катта талаблар қўяди. Оилада ҳар қандай шароитда ҳам бола тарбияси ота-она вазифаси эканлиги, уларни бир-бирларига меҳрибон қилиб тарбиялаш зарур, деган фикрни илгари суради. Ибн Сино фикрига кўра, оиладаги тўғри тарбия оила бахтининг асосидир. Шунингдек, оилада отанинг ўрни, унинг қаттиққўл бўлиши бола тарбияси учун муҳимлигини эътироф этади. Ибн Сино “Тадбири манзил” китобининг “Аёлларнинг яхши сифатлари” бўлимида: “Оналар оилада босиқ, доно, ҳалол ва камтар бўлишлари, ҳамда бола тарбиясида отага энг яқин кўмақдош бўла олишлари оила мустаҳкамлигини сақлашда ёрдам беради”, – дейди. Ахлоққа бағишланган рисоласида ифқат, каноат, сахийлик, шижоат, сабр-тоқат, мулойимлик, дўстлик, сирни сақлай билиш, нам-маърифатли бўлиш, очиклик, фаросатлилик, камтарлик, адолатлилик каби ахлоқий фазилатларга таъриф беради. У ахлоқий тарбия инсоннинг камол топишида жуда муҳим ўрин эгаллашини таъкидлайди<sup>25</sup>. Жумладан, дўстлик ҳақида мутафаккир “Агар дўстлик савдо-сотикка ўхшаб, эҳтиёжга қараб ахтарилса, зарурат туғилмаган чоғда дўстни назарга илмай ташлаб кетилса, бу қандай дўстлик бўлди энди. Дўстининг бошига мушкул тушгандагина ҳолидан хабар олгани келиб, бошқа вақтда бегонадай юрса, зарурат туғилгандагина эслаб, бошқа маҳалда сира эсламаса, ўйлаб кўр, шу ҳам дўстлик бўлди ахир!<sup>26</sup>” ва “Ҳақиқатни очинглар, тўғри йўл-

<sup>25</sup> Шоумаров Ф., Акрамова Ф., Умаров Б. Оилада маънавий-ахлоқий тарбия. Т: 2015.Б.20.

<sup>26</sup> Ҳикматлар хазинаси. Тўпловчи: М.Азаматов. Луғат ва изоҳлар тузувчи: Наим Норкулов. Т., 1977. Б.92.

дан юринглар!<sup>27</sup>” каби фикрларидан бугунги кунда ҳам онла мустахкамлигида, ундаги мухитни яхшилашда, фарзанд тарбиясида ва маънавий баркамоллигини таъминлашда унумли фойдаланиш мумкин.

**Умар Хайём** (1048-1123) тафаккурнинг теран ва ноёб мазмуни билан поэзиянинг нозик шакллари ўртасида уйғунлик яратган, математик сифатида кўп номаълум тенгламаларни ечган, астроном сифатида 5000 йилда бир кунга хато қилган, жахонда энг машхур ва энг мукамал тақвим яратган буюк мутафаккирдир. Унинг фикрича, инсоният жамияти кийим-кечак, озик-овқат, турар жой яратиш учун ҳамкорликда яшамоклари зарур.

*Кўлни-кўлга бериб бўлмасак ҳамдард,  
Шодлик касб этмас барбод бўлмас гам.<sup>28</sup>  
Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод,  
Яхшидир ер юзин қилгандан обод.*

Умар Хайём ушбу рубоийсида: “Кишига қарата имкон қадар камбағал, оч билан баҳоли қудрат нарсангни баҳам кўр, сахий бўл”, – дейди.<sup>29</sup> Унинг фикрича, зарурият ёмонликнинг сабаби бўла олмайди. Оз ёмонликни деб катта яхшиликдан воз кечиш катта ёмонликдир. Мутафаккир инсон ахлоқли кишиларнинг бахтли бўлиши учун хизмат қилиши кераклигини, инсонпарварликни тарғиб этади.

**Саъдий Шерозий** (1203/08-1292) – инсонийликни мадҳ этган мутафаккирлардан бири. Саъдий яратган латиф ғазаллар, “Гулистон” ва “Бўстон” асарлари унинг фалсафий ва ахлоқий қарашлари ҳақида маълумот беради. Мутафаккир фикрига кўра, бахт фақат бу оламдагина мавжуд. Бефойда ўтказилган умр беҳудага сарф этилган олтин билан баробар,

<sup>27</sup> Ўша китоб, Б.115.

<sup>28</sup> Я.Шермухамедов. Ўрта Осиё мутафаккирларининг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги қарашлари. Т: 1970.Фан, Б.36.

<sup>29</sup> Ўша асар, Б.39.

деб таълим беради. Мутафаккир меҳнатни, халққа хизмат қилишни улуғлайди. У инсон ҳаётининг маъноси меҳнат, хунар орқали бировнинг оғирини енгил қилишдадир, дейди. Саъдий Шерозий жамият ҳаётини яхшилаш, адолатсизликни тугатиш учун, оламни ақлга мувофиқлаштириш учун ахлоқ, одоб, панд-насихат зарур, деб ўйлайди. Шунинг учун ҳам мутафаккирнинг “Гулистон” ва “Бўстон асарларидаги кичик ҳикоялар, шеърини парчалар, ҳикматларида ёмонлик қораланади, олижаноб инсоний фазилатлар тарғиб этилади.

*Кимга ёшлиқдан берилмас одоб,  
Улейгач бўлади бахтсиз, дили гаи.  
Ҳўл новда эгилар, қай жилда эгсанг,  
Куруқни тўғилар фақат — ўт-оташ.<sup>30</sup>*

Саъдий Шерозий ахлоқ назариясида яхшиликнинг барқарор бўлиши, ёмонликнинг йўқотилиши, яхшиликдан ўрناق олиш, ёмонликдан нафратланиш принципига асосланади. У ўз асарларида ахлоқий тарбияни биринчи ўринга қўяди. Мутафаккир раҳмдилликнинг олий ҳулқ эканини айтиб, кишиларга зулм қиладиган, ёмонлик истайдиган, одамларга озор берадиган кишиларга раҳм-шафқат қилмасликни таъкидлайди ва жамиятдаги зулм ва зўравонликни, адолатсизликни ёмонлик деб баҳолайди. У кишилардаги таъна, ҳасад, ифво, ёлғончилик, ўғрилиқ, ишпёқмасликни ёмонлик деб, бундай иллатларга қарши курашишга чакиради. Саъдий ҳамиша инсон учун қувноқ, бахтли ҳаёт, ҳуш ахлоқ — тўзал одатларни тилаб, истаб, излаб ижод этганлиги, ўзгалар ғами билан яшаганлиги барчамизга намунадир.

**Абдурахмон Жомий** (1414-1492) қомусий билим эгаси, атоқли шоир, адабиётшунос, файласуф, мусикашунос сифатида машҳурдир. Жомий Алишер Навоийнинг устози ва дўсти бўлган. Мутафаккирнинг “Ҳафт авранг” (Етти тахт) китоби, ундаги “Силсилат ут-заҳоб” (“Олтин занжир”), “Тухфат

<sup>30</sup> Саъдий “Гулистон”, 1968. Б.8.

ул-ахрор”, (“Хур кишиларнинг тухфаси”), “Сабхат ул-аброр” (Яхши кишиларнинг танбеҳи) ва бошқа фалсафий дostonлари ва “Соломон ва Абсол”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Лайли ва Мажнун” номли ишқий-романтик dostonлари hozirgacha юксак қарланади. Абдурахмон Жомий Шайх Саъдийнинг “Тулiston” асаридан илхомланиб, “Бахорiston” номли ахлоқий-таълимий асарини яратган. Жумладан:

*Ростликдан яхшироқ зийнатни қачон,  
Қайда кўрди экан бирор билимдон;  
Бирдек қил доимо ичу ташингни,  
Тўғри бўл, қиниқлик еяф бошингни;  
Кишиким, йўқтурур меҳру вафоси,  
Агар журшедди, андин не ҳосил?  
Беҳуда гаплардан тилинг эт холи,  
Ошқор бўлади ақлинг жамоли, — дейди<sup>31</sup>.*

Мутафаккир бу дунёда инсонийлик одамларга яхшилик қилишда, деб ҳаммага яхшиликни раво кўради. Унинг фикрича, ёмонлик қилувчиларга ҳам яхшилик қилиб, уларнинг номусини уйғотиш ва шу билан уларни яхшиликка йўллаш ва тарбиялаш мумкин, деб ўйлайди. Абдурахмон Жомий ва Шайх Саъдий ҳаёти давомида халқнинг саодати, қахрамонлиги, саховати, ростгўйлик ва адолатта интилишини мадҳ этгани биз учун ватанпарварлик намунаси.

**Ахмад Дониш** (1827-1897) ўз даврининг атоқли олими, маърифатпарвари, адолатпарвар ғояларнинг ижодкори ҳисобланади. Ахмад Дониш “Агар мамлакат адолатли бошқарилса, илм-маърифатга кенг йўл очилади, халқ бахтли бўла олади”, дейди. У асрлар давомида барча мутафаккирларнинг ўй-фикрлари марказида турган инсон ва унинг интилишлари, орзу-умидлари ҳақида кенг фикр юритади. Ахмад Дониш “Киши суратга эмас, балки маъноли ишққа боғланса, яъни

<sup>31</sup> Ҳикматлар хазинаси. Тўпловчи: М.Азаматов. Луғат ва изоҳлар тузувчи: Наим Норқулов. Т., 1977. Б. 116, 119, 136.



хамма нарсани ўз ҳақиқати билан билишга, халқ учун илму хунар орттиришга қизикса, ишқнинг энг аълоси шудир”, — дейди<sup>32</sup>. Мутафаккир “Одамларнинг яхши ва ёмон бўлишларига сабаб нима? Тўғри йўлдан адашмаслик учун одамлар кўнглида турли сезги, рух ва нафс қувватлари бор”, — дейди. Рух қуввати яхшиликка буюрувчи ва ёмонликдан сақловчидир, нафс қуввати эса ёмонликка юргизувчи ва яхшиликдан қайтарувчидир. Хар кимда ақл етакчи бўлса, у кишини хатарли жойларга киришдан (ёмонликдан) қайтариб туради, хар ишда сабр-каноат қилишга буюради”.<sup>33</sup> Аҳмад Дониш халқни ботилдан, яхшини ёмондан, донони нодондан ажратадиган мезон хар бир кишининг “етарлидан ортикча дунёга кўнги қўйиш ёки қўймаслигидадир”, дейди. У илмни шундай таърифлайди: “Бутун хунарларнинг аълоси илмдир”, “Одам яратилганидан сўнг унинг туганмас бахти илм ва маърифатда бўлади”<sup>34</sup> — деб ёзади. Мутафаккир илм олиш, яхши хулқ, таълим-тарбия, инсон феъл-атвори ҳақида фикр билдирар экан, инсондаги ёмон феъл-атвор йўқотилмоғи керак, дейди. Унинг фикрича, “очкўзлик ва хасаднинг инсонга ҳеч қандай нафи йўқ, хар кимнинг кўкрагидан хасад кўчати жой олган бўлса, у зиёндан бошқа мева бермайди”.<sup>35</sup> Мутафаккирнинг қарашларидаги илм, меҳнат, адолат, яхшилиқ ҳақидаги фикрларни бебаҳо мерос сифатида тарбия жараёнида қўллаш катта аҳамият касб этади.

**Махмуд Қошғарий – тил билимининг донишманди.** У IX асрда яшаб ижод этган. Мутафаккир ёшлигидан халқ жонли тилидаги сўз ва ибораларни, хикматли сўз, мақолларни ёзиб юради, уларни шархлаш, маъносини англашга интилади. Шундай кизиқишлар сабабли у туркий халқлар тарихи, тили, урф-одатларини пухта ўрганиш мақсадида бутун Осиёни кезиб чиқади. Бағдод шаҳрига келиб, араб тили ва адаби-

<sup>32</sup> Дониш А. Наводир ул-вақос. Т; 1964.Б.215.

<sup>33</sup> Дониш А. Наводир ул-вақос. Т; 1964.Б.38.

<sup>34</sup> Ўша асар, Б.358.

<sup>35</sup> Ўша асар, Б.69.

ётини чуқур ўрганади, арабшуносларнинг нарий ишларини кузатади. Кейинчалик ана шу тўплаган далиллари асосида ўз даврининг энг зўр олими – Махмуд Қошғарий “Жавохирун нахв фи луғати турк” (“Туркий тилларнинг синтаксиси дурдоналари”) ва “Девону луғотит турк” асарини ёзган. Олининг биринчи асари йўқолган ёки хали топилмаган. Махмуд Қошғарийнинг 1076-1077 йиллар орасида ёзилган “Девону луғотит турк” асари муқаддима ва луғатдан иборат. Қошғарийнинг бу асари ўша даврдаги Ўрта Осиё халқлари тарихи, турмуши, маданияти, урф-одатлари, адабиётини ўрганишда энг ноёб манбадир. Асарда туркий халқлардан ташқари араб, форс, хитой, рус халқлари ҳақида ҳам маълумотлар бор. “Девону луғотит турк” асарида туркий халқлар оғзаки ижоди ва ёзма адабиётига доир 300 дан ортиқ шеърлий парчалар, мақоллар, ҳикматли сўзлар ва лавҳалар берилган. Жумладан, Қошғарийнинг:

*Боқмас жаҳон совуқ сўз,  
Шилқим, юзсиз бахилга.  
Ёқимли бўл, хушхулқ бўл,  
Қалсин номинг кўп йилга;*

“Яхшининг сўнгиги тупроқда чириса ҳам, номи қолади”<sup>36</sup> каби мисралари инсонни хушхулқ, ширинсўз, тарбияли бўлишга чорлар экан, унинг бебаҳо меросини кадрлаш ва фарзандлар онгига сингдириш муҳимдир.

**Юсуф Хос Ҳожиб** (1020 йилда туғилган) комусий билим соҳиб, давлат арбоби, туркий ижодкорларнинг пешкадами бўлган. У 1069 йили “Қутадғу билиг” (Саодатга элтувчи билим) асарини Болосоғунда ёза бошлайди ва 1070 йили Қашқарда тугатиб, ҳоким Бугроҳонга тақдим этади. Китоб Бугроҳонга ёқади ва у Юсуфга “Хос Ҳожиб” унвонини беради. Достон муқаддимасида шоир “Қутадғу билиг”ни 50 ёши-

<sup>36</sup> Ҳикматлар хазинаси. Тўпловчи: М.Азаматов. Луғат ва изоҳлар тузувчи: Наим Норкулов. Т., 1977. Б. 105.

да ёзиб тугатгани қайд этилган. Бу асар туркий тилда ёзилган илк дидактик дoston, пандномадир. Мукаддима ҳамда хотимадан ташқари 73 бобдан иборат бўлган бу асарда шоир ахлоқ-одоб, илм-маърифат, бола тарбияси, жамоат жойларида ўзини қандай тутиш, муомала одоби, сўзнинг ахамияти ва кадри, меҳмондорчилик қондаси, турмуш тарзи, инсон маънавий оламининг кўп масалалари хусусида бир маърифат жарчиси сифатида фикр юритади.

*Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,  
Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин.  
Киши икки нарса билан асло қаримайди,  
Бири эзгу жулқи, бири эзгу сўзи.<sup>37</sup>*

**Абулқосим Махмуд ибни Умар ибн Ахмад Замахшарий** (1075-1144 й.). Машхур араб сайёҳи Ибн Баттута (1333 йил) Хоразмни зиёрат қилганда Замахшарийнинг макбарасини Кўхна Урганч яқинида кўрганини ва унинг устига қубба ўрнатилганини ёзиб қолдирган. Замахшарий тил билими, тарих, география, адабиётшунослик, этнография, ахлоқ-одобга доир 50 дан ортиқ асар ёзган. У истеъдодли шоир ҳам бўлган, ғазал, қасида, китъаларни тўплаб, алоҳида девон тузган. Китобхонга ахлоқий масалалар хусусида панд-насихатлар берган. Олим асарларининг турли даврларда кўчирилган 30 дан ортиқ нусхалари бизгача етиб келган. Олимнинг “Ал-қустос фил-аруз” (Аруз ўлчови), Насойих ул-кибор (“Улуғлар насихати”), “Асос ул-балоға” (“Сўзамоллик асослари”), “Ал-кашшоф” (“Аён этувчи”) каби асарлари Шарқ шеърляти назариясини, адабий-эстетик қарашлар тарихини, ахлоқий-таълимий фикрлар такомиллини ўрганишда ҳамон ўз ахамиятини сақлаб келмоқда. Замахшарий “Мукаддимат ул-адаб” (“Нафис адабиёт мукаддимаси”) асарини хоразмшоҳ Аловуддин Абул Музаффар топшириғи билан ёзган. Ироқ олими Фозил Солих аз-Самарний Замахшарийнинг 56 та асар ёзганини аниқлаган. Замахшарий

<sup>37</sup> Ҳомидов Х. Қирк беш аллома хикояти. Т; Фан, 1995. Б.70.

Ўз ҳикматларида инсоннинг кийимига карама, билимига кара,  
у ёмонликни тузатишда ҳамма нарсадан яхшироқдир, дейди

*Эй бутам, сақлагин тилингни зинҳор,  
Калтак едиргувчи сўзлардан бир бор;*

*Самимиятсизлик ва иккиюзламачилик бўлган ишда яхшилик бўл-  
майди;*

*Таниқлигу шарафинг отангдандир,  
Меҳрибонлик, мушфиқлик онангдандир,<sup>38</sup>*

Унинг ҳикматларидаги илмга чанқоклик, тилни тийиш, са-  
мимий, меҳрибон бўлиш ва нодон, кибри, мутакаббир бўл-  
маслик каби фикрлари бутун ҳам ўз кийматини йўқотмаган.

**Кайковус** – машҳур ёзувчи, педагог, файласуф бўлиб, XI  
асрда яшаган. Кайковус “Қобуснома”ни 63 ёшида ўз ўғлига  
насихат сифатида ёзган. Унинг “Қобуснома” асарининг бе-  
шинчи боби “Ота-онани хурматлаш ҳақида” бўлиб, ёшларни  
ота-онани хурмат қилишга чакиради. Кайковус оилавий тар-  
бия ҳақида гапирганда болани иложи борича хунарли қилиш  
зарур эканлигига алоҳида эътибор қаратади. У шундай ёзади:  
“Агар киши олий мансаб, баланд мартабали бўлса-ю, хуна-  
ри бўлмаса, халойиқнинг иззат ва хурматидан маҳрум бўла-  
ди. Улуғлик насл-насаб билан эмас, ақл ва билим биландир”.  
Кайковус мағрурликни, такаббурликни қоралайди ва “кимки  
мағрурланса, албатта, пушаймон бўлади”, деб таъкидлайди.  
Мутафаккир одамларнинг энг яхши фазилатларини, уларнинг  
хулқ-атворини, хислатларини уч турга бўлади: ақл, тўғрилиқ,  
жувонмардлик (инсонпарварлик, саҳийлик, қўли очиклик).  
Аксинча, сусткашлиқ, бефаҳмлиқ, ховликмаилиқ унинг яхши  
хислатга эришишдаги йўлини беркитиб қўяди, дейди. Кайко-  
вус ўғлига ёзган насихатларининг асоси қуйидагилардан ибо-  
рат:

<sup>38</sup> Ҳикматлар хазинаси. Тўпловчи: М.Азаматов. Луғат ва изоҳлар тузувчи:  
Наим Норқулов. Т., 1977. Б. 18, 30, 44.

- Аллохнинг кучли ва қудратли эканига ишониш;
- ҳаётда қандай мартаба ва ютуқларга эришишдан қатъи назар, ота-онани хурмат қилиш ва эъзозлаш;
- албатта, хунарга эга бўлиш, иложи бўлса бир нечта касбга эга бўлиш;
- сўз қудрати. Шундай сўзлар борки, уларни билишни ҳам, сўзлашни ҳам ҳожати йўқ. Шундай сўзлар борки, уларни билиш ва гапириш керак. Шундай сўзлар борки, уларни хар кунни ва доимо гапириш зарур. Лекин шундай сўзлар ҳам борки, уларни билиш зарур, гапириш эса шарт эмас. Доимо эсда тутинг: Аллох бизга гапириш учун битта тил, эшитиш учун иккита қулоқ берганки, камроқ гапириб кўпроқ эшитиш учун;
- қарилик ва ёшликни ёдда тутиш;
- меҳмонларни кутишни ва меҳмон бўлишни билиш;
- дам олиш ва уйқу маданияти. Кўп ухлаш зарар. Эрта туришга ўрганиш. Ўз хохишинга кўра, дам олиш турини белгила, фақат ўзгаларга зарари тегмасин;
- дўстандан кўп нарса талаб қилмаслик. Ўзи ҳам совғаларни кўпайтирмаслик. Вафодор дўст бўлиш.<sup>39</sup>

Илмга чанқоқ бўл. Иқтидорни хурмат қил. Қобилият Аллох томонидан берилган инъом, шунинг учун ҳам хурмат ва эъзоз талаб қилади. Улар доимо ёдингда бўлсин.

Кайковус ўз асарида ёшларнинг хулқ-атворида алоҳида эътибор қаратади ва ёшларни инсонпарвар бўлишга, халққа ширин муомала қилишга чорлайди. Шунингдек, дўста, душманга қандай муносабатда бўлиш қаби масалаларни ҳам ўз асарида ёритади. Кайковуснинг фикрича, тарбиядан мақсад инсонни ҳозирги замон ва келажак учун яроқли шахслар қилиб тарбиялашдир.

**Абу Муҳаммад Илёс бинни Юсуф Низомий** (1141/43-1209 й.). Давлатшох Самарқандий Низомийнинг 20 минг мисрадан иборат шеърлар девони мавжудлигини таъкидлаган. Шоирнинг ўзи “Хусрав ва Ширин” асарини ёзган. Низомий-

<sup>39</sup> Саиджанов Ю. Традиции просвещения на Востоке. Издательство литературы и искусства им. Г.Туляма. Т; 2001. Б.26.

нинг Эрон олимлари томонидан турли манбалардан йиғиб, чоғ этилган девони 10 қасида, 192 ғазал, 5 китъа, 68 рубоийдан иборат. Низомий “Хамса”нинг илк достони – “Махзан ул-асрор” (“Сирлар хазинаси”)ни 1173-1180 йилларда ёзиб, Кичик Осиёдаги Эрзинжон шаҳрининг ҳокими Баҳромшоҳга йўллаган. Достон шоҳга маъқул бўлиб, шоирга инъом-эхсон жўнатган. Шоирнинг “Махзан ул-асрор” асари ижтимоий-фалсафий, ахлокий-таълимий достон бўлиб, 20 бобдан иборатдир. Унда одам ва оламнинг яратилиши, адолатнинг файзи ва зулмнинг зарари, одамгарчилик, яхшилик, аждодлар урф-одатига ҳурмат, вафо ҳамда садоқат, поклик ва сахийлик, меҳрибонлик сингари ҳаётий масалалар ёритилган. Абу Муҳаммад Илёс бинни Юсуф Низомий ҳаёти давомида аждодлар меросини, урф-одатларини кадрлашга, адолатли бўлишга, илм ва ҳунар ўрганишга, ўзаро муносабатларда вафо, садоқат, поклик, самимийлик, сахийлик сингари фазилатлар инсон учун зарур деган қарашлари биз учун фарзанд тарбиясида дастуриламал бўлиши мақсадга мувофиқдир.

**Абу Абдулла Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий** (774-1140) 10 ёшидан ҳадисларни чуқур ўрганиб, 16 ёшида Ҳаж сафарини ўтаган ва Маккада 4 йил яшаган. Кейинчалик араб мамлакатларида сафарда бўлиб, 600 минг ҳадис тўплаган ва улардан 100 мингини танлаб, уларнинг ҳақиқий (сахих) эканлигини исботлаган. Шунингдек, 200 минг ғайри сахих ҳадисларни ёддан билган. Мутафаккир ўз Ватанига қайтгач, “Ал-жомеъ ас-сахих” номи 4 жилдли ҳадислар тўпламини тузган. Бу тўпламга 7275 та ишончли ҳадислар киритилган. Бу китоб бир неча марта қайта кўчирилган бўлиб, у араб мамлакатларида ҳам машҳурдир. Бухорийнинг авлодларга қолдирган илмий-маънавий мероси, ёзган асарларнинг сони – 20 дан орттиқ. Жумладан, “Ал-адаб ал-Муфрат”, “Ат-тарих ас-сағир”, “Ат-тарих ал-авсат”, “Ат-тарих ал-қабир”, “Китаб ал-илал”, “Биррул-волидайн”, “Асмо уз-саҳоба”, “Китаб ал-куна” шулар жумласидандир. Алломанинг муҳим асари “Ал-жомеъ ас-сахих”дир. Бу асар “Саҳихи ал-Бухорий” номи билан машҳур бўлиб, унга ишончли, аниқ ҳадислар киритилган. Ҳадислар

султони Имом ал-Бухорийнинг асарлари ота-онага хурмат, қариндошларга нисбатан оқибатли бўлиш, қўшниларга озор бермаслик, қўшни ҳаққини адо этиш, фитнадан, гийбат ва кибрдан узоқ бўлиш, адолат билан иш тутиш каби инсонга хос фазилатлар ҳадислар орқали ёритилганки, зеро уларни ҳақ деб ўзида мужассам этган инсон ҳеч қачон хор бўлмайди, деб умид қиламиз.

**Улуғ мутафаккир, адиб, давлат арбоби, олим – Абдурауф Фитрат** (1886-1938). 1914 йили “Оила ёки оилани бошқариш тартиби” номли рисола ёзиб, уни 1915 йили нашр эттирди. Орадан 73 йил ўтиб, тарих фанлари доктори, профессор Ш.Воҳидов уни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, қайта нашр қилди.<sup>40</sup> XX аср Туркистон жадиҳчилик ҳаракатининг улкан намояналаридан бири Абдурауф Фитрат бу асарида оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, ота-она, фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, хатто, гўдакларни тарбиялаш ва унда ёш оналарнинг ўзини қандай тутиши кераклиги, шунингдек оиланинг жамиятдаги ўрни, фарзандларнинг ахлоқий ва меҳнат тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Фитрат “Раҳбари нажот” асарида ёш авлод тарбияси тўғрисида шундай ёзган: “Дунё курашнинг умумий майдонига ўхшайди ва бу майдоннинг бузрук пахлавонлари инсонлардир. Бу курашда ғолиб чиқиш учун уч хил қуролга эга бўлиш керак: биринчиси - “Саломатлик”, иккинчиси - “Соғлом фикр”, учинчиси - “Ахлоқи сано” (олий ахлоқийлик). Болаларни барқамол қилиб вояга етказиш учун унинг тарбиясига факат оилагина жавобгар бўлмасдан, бутун миллат аҳли жавобгардирлар”<sup>41</sup>. Фарзанд, унинг тарбияси қадимдан халқимизнинг эзгу орзуси бўлиб келган. Фитратнинг фарзанд тарбияси ҳақидаги бу фикрлари бугун ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ. Шундай экан, Шарқ мутафаккирларининг тарбия ҳақидаги бебаҳо мероси – инсоннинг инсонийлигини таъминлайдиган абадий қадрият эканини ва ундан фарзанд тарбиясида тўлақонли фойдаланиш зарурлигини унутмаслигимиз дарқор.

<sup>40</sup> А.Фитрат. Оила. Т., “Маънавият” 1998.

<sup>41</sup> А.Фитрат. Оила. Т., 1998. Б.60.

## МУТАФАККИРЛАРНИНГ КИТОБ ҲАҚИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАРИ

Ўзбек оилаларида китобга мухаббат, китобни авайлаб-асраш, китобхонлик, ғазалхонлик қадимий анъаналардан бўлиб, фарзанд тарбиясида муҳим ҳисобланган. Биз китобхонлик ҳақида сўз юритар эканмиз, тарихга бир назар ташлаймиз. Бундан салкам уч ярим минг йил илгари аждодларимиз томонидан муқаддас маънавий китоб – “Авесто” идеографик ёзув кашф этилган. Оташпараст аждодларимиз уни тўла-тўқис ёд билмоқни, унга амал қилиб яшамокни ўзлари учун бурч деб билганлар. Мутафаккир Абу Райҳон Беруний гувоҳлик беришича, араблар Туронни босиб олгач, оташпарастрларнинг муқаддас “Авесто” китобини бирор нусха ҳам қолдирмай ёқиб юборишган. Шунингдек, монавий, сурёний, эфталит, брахма, суғдий, хоразмий, бохтарий ёзувларида битилган ҳар қандай ёдгорликни йўқотишга уринганлар<sup>42</sup>. Шунга қарамай, аждодларимиз ўзининг маънавий бойликларини турли йўлар билан сақлаб қолишган. “Авесто” китоби ёқиб юборилганидан кейин икки асрча вақт ўтганига қарамай уни ёдлаганларнинг хотирасидан қайта ёзиб олинган. Қадимдан маълумки, китобсеварлик инсоний фазилат бўлиб, унда инсоннинг маънавий комиллик даражаси акс этиб туради. Китобсеварлик оилада шаклланади. Қадимда халқ бахшиларининг оилавий давраларда, тўй-маъракаларда, зиёфат ва гап-гаптакларда, чойхоналарда қуйлаган дostonлари, буви-ю боболарининг болаларга айтган эртақлари, аллалари, ривоятларини марок билан тинглаш орқали китобхонлик шаклланиб борган. Қадимдан неча асрлардан бери китобхонлар даврасида донги кетган Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си ва Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг мислсиз “Ҳамса”ларини ўқиш орқали шоҳномахонлик ва ҳамсахонлик, шунингдек, Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлар”, шайх Саъдийнинг машҳур “Ту-

<sup>42</sup> О.Сафаров., М.Махмудов. Оила маънавияти. “Маънавият”, Т.,1998.Б.104.



листон” ва “Бўстон” асарлари, ғазаллари, Умар Хайём рубоийларини оила даврасида мушоҳада ва муҳокамалар билан мутолаа қилиш замирида яссавийхонлик, ғазалхонлик, жомийхонлик, навоийхонлик сингари китобхонлик анъаналари шаклланди<sup>43</sup>. Жумладан, навоийхонлик кечасида фақат Навоий асарлари мутолааси билан чекланилмаган, балки унинг ижодий анъаналарини давом эттирган издошлари асарлари ҳам ўқиб, муҳокама қилинган. Китобхонлик анъанаси XX асрда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек ва бошқа сўз санъаткорлари асарларини оилавий ўқиш орқали қодирийхонлик, чўлпонхонлик, фитратхонлик, ойбекхонлик кўринишида намоён бўлган. Ўша вақтларда аксарият китобхонлар “Ўтган кунлар” романини ёддан билганлар. Бутунги кунда ҳам навоийхонлик, ғазалхонлик, шеърини кечалари, бадий кечалар ўтказилиши китобхонлик анъанасининг давом этаётганини кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоиз, китобхонлик инсон маънавиятини юксалтирадиган, диққатини бир жойга жамлашга, сабрга ўргатадиган меҳнат туридир. Китоб ўқишга ўрганган инсоннинг маънавий дунёкараши кенг, фикри тегна бўлиб, атрофда юз бераётган воқеа ва ҳодисалар моҳиятини онгли равишда тушунишга, хулоса чиқаришга ҳаракат қилади. Одатда, китобхон болалар ўзларига ишонган, ташаббускор, фидойи, ўз юрти тарихига қизиқувчан, ватанпарвар бўладилар. Абдурахмон Жомий китоб мутолаа қилиш, илм ўрганиш, маърифатли бўлиш инсоннинг бу дунёдаги энг маънавий ишларидан бири эканини шундай тараннум этади:

*Китобдан яхшироқ дўст йўқ жасхонда,  
Ғамхўринг ҳам ғамли бу замонда.  
У билан қол танҳо, ҳеч бермас озор  
Жонингга юз роҳат берар ҳар онда.*

Севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов китобхонларга қарата, “Китобдаги қувонч ва изтиробларни ўқувчи ўзиники деб қабул қилсагина, ўша ҳақиқий асардир”, – дея таъриф берган.

<sup>43</sup> О.Сафаров., М.Махмудов. Оила маънавияти. “Маънавият”, 1998.Б.107.

## ХУЛОСА

Хаммамизга маълумки, мукаддас китобларимиз ва кадритларимиз, буюк Шарк мутафаккирларининг мероси бизни доимо халол меҳнат билан яшашга, мардлиқ, саховат ва камтарликка, адолатга ва меҳр-окибатга чакиради. Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини, тарихини, ўзига хос урф-одат ва анъаналарини миллий кадритларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шарк олимларининг, жумладан, Ибн Синонинг ҳикматлари, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, Носир Хисравнинг “Саодатнома”, “Рўшноинома”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-хақойиқ”, Абу Райхон Берунийнинг ҳикматлари, Кайковуснинг “Қобуснома”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, Ҳусайн Воиз Кошпифийнинг “Ахлоқи муҳсиний” каби асарларида бола тарбиясига бўлган эътибор ўз аксини тошган. Қайд этилган асарлардан фарзанд ота-онанинг бахти бўлса, тарбия фарзанднинг бутуни, эртаси ва келажагидир, деган умумий хулосага келиш мумкин. Шунинг учун ҳам тарбия – ижтимоий ходиса. Тарбия кишилик жамияти пайдо бўлган даврлардан бери мавжуд. Негаки, инсон ер юзидаги энг мукаммал зот бўлиши учун, аввало, у тарбияланиши зарур. Халқимиз орасидаги “Тарбиячи, аввало, ўзи тарбия кўрган бўлиши керак”, деган нақл бекорга айтилмаган. Мутафаккир Ибн Сино тарбия берувчиларга қарата, “Кимга қандай панду насихат қилсанг, унга, аввало, ўзинг амал қил”, – дейди.

Фарзанд тарбиясида, уларнинг маънавий дунёкарашини кенгайтириш ва бойитишда, мутафаккирларнинг фикр-мулоҳазалари, панд-насихатлари, ҳикматларидан фойдаланиш ва баркамол инсонни вояга етказиш барчамизнинг бурчимиздир.

## **МУҲДАРИЖА**

Сўзбоши .....	1
Фарзанд тарбиясида мутафаккирларнинг карашлари .....	2
Шарқ мутафаккирларининг тарбия тўғрисидаги маънавий мероси .....	9
Мутафаккирларнинг китоб хакидаги мулохазалари.....	29
Хулоса.....	31

Услубий кўлланма

**ФАРМОҲОВА МУЗАЙЯМҲОН**

**ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ  
МЕРОСИДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ**

Масъул муҳаррир: *Шухрат Деҳқонов*  
Мусаххих: *Даврон Мансуров*  
Дизайнер: *Валерий Кокшаров*  
Саҳифаловчи: *Ислом Якубов*

«TASVIR NASHRIYOT UYI» МЧЖ  
Наشريёт лицензияси: АІ № 292. 23.02.2017 й.

Босишга рухсат этилди 21.01.2020.  
Бичими 84x108<sub>1/32</sub>. Times New Roman гарнитураси.  
Офсет босма. Босма табағи 3.  
Наشريёт босма табағи 2,3. Адади 10 000 нусха.  
Буюртма рақами \_\_\_\_\_. Баҳоси келишилган нархда.

«KOLOR PAK» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8.  
Тел.: +998 71 230 27 73, +998 71 230 27 74